

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000-йил 28 июл
жума
Сотувда эркин нархда
№ 145 (2442)


ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ
БАЙРАМИМИЗГА



35 кун
ҚОЛДИ!

ОНА — БИТТА, ВАТАН — ЯГОНА!



Ризқинг бутун бўлгай, болажон!

А. ТҮРАЕВ (ЎзА) сурат-лавҳаси.

ЎЗБЕКISTON

Порлоқ манглайингга тақдир азалдан
Мухрлаган мангу шараф мухрини.
Асрлар қабридан тушмай назардан
Тукасан сийнандан она меҳрини.

Боғлар, кенг пахтазор,
Бедазор, явшан...
Рухим енгил тортар ишқ насимидан.
Истиқлол гулхани чўғлари равшан,
Илғайман юлдузлар табассумидан.

Буюк келажакни этиб яқинроқ,
Оллоҳим, то абад ўзинг қўллагин.
Янада гулмасин манглайи порлоқ —
Муқаддас Замининг битта бўлагини.

Мўмин АБАЗОВ.

Гулистондаги тўртта бозор қамқилиб қолди. Айниқса, марказий деҳқон бозоридан олиш қунарлари олмай қолди, ерга тушмайди тиккилини бўлиб кетди.

ГУЛИСТОННИНГ БЕШИНЧИ БОЗОРИ

Бу ҳам сўнги уч йилда бозор икки барабар кенгайганидан кейинги аҳвол. Шу боисдан йирик мавзелада янги бозор қуриш зарурати аллақачон етилган эди. Тўртинчи мавзелада қурилаётган бозор мустақиллик байрамига совға бўлади. Тўрт юз ўринли ушбу деҳқон бозори йирик мавзе аҳолисини қундалик кишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун марказга қатнаш ташвишидан қутқаради. Шунингдек, бозорда айрим маҳсулот турлари бўйича улгурчи савдо қилувчи жойлар ҳам бўлади.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШУКУР ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Буюк бобоқалонимиз Амир Темурнинг муқтарам Юртбошимиз тез-тез эслаб (ва эслабтиб) турадиган шундай сўзлари бор: «Қудратимизга шакш у б х а н г и з бўлса, биз қурдирган биноларга боқин!».

XXI аср сари

иншоотлари иморатлар келади. Лекин мен бу ўринда тўққиз йил ичида маънавият, маърифат ва бошқа ижтимоий соҳаларда эришган ютуқларимизнинг ўзини буюк бир иморатга ўхшатгим келади. Энг муҳим ютуғимиз шундаки, биз янги уй қурмай туриб, эскисини бузмадик.

Худди шунинг учун ҳам айрим давлатларда ишсизлик туфайли қатор мактаблар ёпилиб қолаётган бир даврда БИЗДА кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида халқ таълими соҳасида қанчадан-қанча муваффақиятларга эришяпмиз. Биргина Қорақалпоғистондан ўтган тўққиз йил ичида юз нафардан зиёд йигит-қизлар Америка Қўшма Штатлари, Германия, Буюк Британия каби хорижий давлатларда таълим олиб қайтдилар.

Эҳуд соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни олинг. Бу борада ҳам Давлат дастури қабул қилиниб, мактанса арзигулик ютуқларга эришмоқдамиз. Оддий мисол: қорақалпоқ қизи (Урол Атанязова)нинг халқроқ Голдман муқофотига сазовор бўлиши мумкинлигини бундан тўққиз йил олдин тасаввур қила олармидик?!

Яқинда эса Нукусда Ўзбекистон акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти шохобчаси иш бошлади. У Оролбўйи оналари ва болалари саломатлигини мустақамлаш, «Соғлом авлод» давлат дастурида белгиланган долзарб масалаларни тадқиқ этиш, худуддаги мураккаб экологик вазиятдан келиб чиқаётган муаммоларни ўрганиш ва бартараф қилишда янги босқични бошлаб бериши қутимокда.

— Илмий-тадқиқот институтининг 4 та шохобчасидан биттаси Нукусда иш бошлаши бежиз эмас, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Тотлимурат Атамуратов. — Зеро, давлатимиз Оролбўйи оналари ва болалари тўғрисида изчил гамхўрлик кўрсатмоқда. Илмий муассаса шохобчасининг очилиши бунинг яна бир ёрқин далили ҳисобланади.

Баъзи элларда ҳукм сураётган нотинчликдан, бекарорликдан жон ҳовучлаб деҳқонлар отизини, чўпонлар чорвасини, ишчилар дастгоҳини ўйлашга фурсат тополмаётган бир замонда БИЗДА фермерларга, тадбиркорларга кенг йўл очилаптир. Ишонасизми, берунийлик Мақсуд Йўлдошев деган фермеримиз 180 тонна сўт сотиб, ўн йиллик шартнома режасини беш йилда (!) бажарди ва ҳозир 2006 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Вақтдан ўзиб ишлаётган бундай юртдошларимиз жуда кўп.

Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик яқунларига бағишланган йиғилишида Юртбошимиз шукур қилишимиз керак, деганларида мен юқоридагиларни кўз олдимга келтирдим. Ахир ўтиш давридаги қийинчиликларга бардош бериб, зафарларга эришяётганимиз ана шу шукроналик меваси эмасми?..

Истиқлол туфайли Ватанимизда рўй берган ўзгаришларнинг ҳеч бири ҳақида шунчаки фикр юритиш мумкин эмас. Мустақилликкача ва ундан сўнги ҳаётимизни тарозининг икки палласига қўйиб қурайдиган бўлсак, албатта иккинчи томоннинг салмоғи, вазни босиб кетиши турган гап.

Ўзбекистонимиз нуфузининг шу даражада юксалишига бирламчи омил Президентимиз олиб бораётган оқилона ва одилона сиёсатдир. Эндилликда юқори бўғиндаги раҳбарлардан тортиб, оддий ҳодимларгача — барчамизнинг асосий вазифамиз, фуқаролик бурчимиз ана шу сиёсатнинг амалий ижроси учун имкон қадар кўпроқ ҳисса қўшишдир.

Мансур АҲМЕДОВ,
Нукус шаҳри.

ДАВРГА МОС ДАВОЛАНИШ МАСКАНИ

Кеча Навоий шаҳрида республика шошилинч Тиббий-илмий маркази вилоят бўлими фойдаланишга топширилди

Чет эллардан келтирилиб ўрнатилган замонавий асбоб-ускуналар туфайли жаррохлик, урология, травматология, нейрохирургия, болалар жаррохлиги каби соҳалардаги операцияларни оғриқсиз амалга ошириш

имконияти яратилди. Яқин орада яна Исроиел давлати билан тузилган шартномага мувофиқ замонавий ташхис ва даволаш ускуналари келтирилади. Вилоят ҳокими Ф. Дилов тез тиббий

ёрдам марказининг очилиш маросимида бу муассасанинг аҳамияти ҳақида гапираркан, соғлиқни сақлаш тизимидаги жуда катта ўзгариш энг хайрли ишлардан бири эканлигини таъкидлади.

Маросимда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов марказнинг очилишини соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури йўналиши бўйича вилоятда қўйилган дадил қадам, «Соғлом авлод йили»да кишилар саломатлигини таъминлашдаги муҳим воқеа, дея эътироф этди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МЭН ОВОД ЮРТИ ФАРВАҲИДИМАН

САДАҲАНГ КЕТАЙ, ИСТИҚЛОЛ!



Сўровнома (Халқ сўзи)

1. Мустақиллик даврида олдимизга қўйган мақсадларга қай даражада эришдик, деб ўйлайсиз?
2. Мустақиллик туфайли шахсан Сизнинг ҳаётингизда ва фаолиятингизда қандай ўзгаришлар юз берди? Ватанимизнинг келажаги ва олий мақсадлари нукта назаридан бутунги ишларингиздан қўнглингиз тўладими?
3. Сизнингча, янги аср бўсағасида Ўзбекистоннинг нуфузини янада ошириш учун нималарга эътибор бериш керак?



Сўровнома саволлари-га Ўзбекистон Республикаси «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси Самарқанд бўлими раиси, профессор Исроил МИРЗАЕВ жавоб беради.

1. Қадим тарихимизга синчков назар ташласак, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маърифий юксалишлар айни шундай эркинлик даврларига тўғри келганлигини кўрамиз. Мамлакатимиздаги бугунги ўзгаришлар эса аждодларимиз эришган тарихий ютуқ-

ларнинг бевосита давомидир. Мен бир зийли сифатида мустақиллик қадимий Турон, табаррук Туркистон, қуёшли Ўзбекистон ерида фақуллода беқийс бир даврни ташлаб берди, деб биламан. Яқинда маҳалламиз чойхонасида ўспирин ёшларни суҳбатга чорлаганимда, уларнинг мустақиллик, юртимиз келажаги хусусидаги фикрларидан хурсанд бўлдим.

Ешларимиз онгидаги ўзгаришлар, улардаги истиқболга ишонч туйғулари мустақамлигининг ўзбек истиқлол йилларида олдимизга қўйилган мақсадларга қай даражада эриш олганлигимизни ифодалаб турибди. Иймон-эътиқод, сабр-чидам, шукроналик, Ватан, миллат ишига фидойилик борасидаги сай-ҳаракатлар, бунёдкорлик, ўзаро елкадошлик ҳислатларининг амалий ишларда намоён бўлаётганлигини бугун ҳеч ким инкор

этолмайди. Лекин, унутмаслигимиз керак. Айримларимизнинг қонқонимизга сингиб кетган текисчилик, лоқайдлик, манфаатпарастлик сингари иллатлардан хали тўлиқ қутулганимизча йўқ. Дунёнинг ҳали у, ҳали бу ерида, айниқса, қўшни мамлакатларда нотинчлик ҳоллари давом этаётган бир пайтда бизнинг бундай ҳолатларга йўл қўйишимиз асло мумкин эмас. Юртбошимиз «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавобларида «Эндилликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади», дея бежизга айтмади.

Бинобарин, мустақиллигимизнинг мустақамланишида, олдимиздаги эзгу мақсадларга эришишида миллий мафкуранинг роли беқийс. Бу борадаги ишларнинг юқори босқичга кўтарилишида биз, зий-

лиларнинг, оқсоқолларнинг ўрнимиз, ташаббускорлигимиз, фидойилигимиз беқийс бўлимо керак.

2. Мустақиллик бутун халқ қатори менга ҳам насиб этганига беадад шукроналар келтираман. Бу июннинг менинг ҳаётимда нечоғли қувончли ва рўйи эҳтиёж бўлганини таърифлашга тилим ожиз. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қўйилган илмий изланишларим самарасини кўрдим. Докторлик диссертациямни ўз юртимда, ўз она тилимда, сунъий тўсиқларсиз, ҳамкасбларим оғушида ҳимоя қилдим. Шўро давридагидек узок кутмасдан меҳнатим тасдиғини олдим.

Илмий китобларим, макрала ва ўқув-ўқувий дастурларим нашр этилди. Талабаларга XX аср ўзбек адабиёти, адабий жараёни таъминлаш ва ижодкор таъминлаш, хусусан, ёзувчи услуби сеҳридан сабоқ бера бошладим.

Ижтимоий-жамоатчилик фаолиятим қанот қочди — Самарқанд адабий муҳити алоҳида жило кўрсатди. Қалам-қашларнинг, айниқса ёшларнинг эркин ижодиға ҳамқаддам

бўлдим.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими раиси сифатида мустақиллик мобайнида ёш ижодкорларни қашф этиш, улар ижодининг юзага чиқиши борасида имкон қадар хизмат қилдим. Яқинда менга юксак ишонч билдиришиб, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси Самарқанд бўлимини бошқаришни топширишди. Лекин қайси вазифада ишламайин, ўз фаолиятимдан қониқиш ҳосил қилишга шошилмайман. Қанийди, ҳар кун, ҳар он юртимга, халқимга нафим тегса, деб ўйлайман.

3. Ўзбекистон — Оллоҳ назар қилган юрт. Халқимиз мекнаткаш, меҳмондўст, очикўнгил, савобватпеша, сабр-қаноатли. Энг муҳими, иймон-эътиқодли, гоё-мақсадли, улғур режали. XXI асрга ҳам шу ҳислатлар, фазилатлар, орзу-ишончлар билан кириб келмоқда. «Оқдан дарё оқверади», деган аjoyиб ҳикмат бор. Бироқ бундай мўъжизанинг рўй бериши учун ҳаракат, шиддат ва жўшқинлик бўлиши керак.

ЎЗБЕКISTON БАНКЛАРИ УЮШМАСИ:

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР САРИ ЙЎЛ



Шу кунларда Ўзбекистон банклари Уюшмаси ўз фаолиятининг беш йиллигини нишонламоқда. Уюшма мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан ташкил топди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан дунёга келган мазкур Уюшма ўз таъсис анжуманида эълон қилинган «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг Комплекс дастури» асосида ўз фаолиятини йўлга қўйди. Бу дастурда банк соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини яратиш, замонавий молия инфратузилмасини бунёд этиш, янги банк аҳборот технологиясини жорий қилиш, банк қонунчилиги асосларини такомиллаштириш ва жаҳон банклари ҳамжамиятига интеграциялашув каби тамомила янги вазифалар кўзда тутилди. Утган беш йил мобайнида бу йўналишларда қандай ютуқларга эришилди? Муштарийлар ушбу саволга газетанинг учинчи саҳифасида жавоб топадилар.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

